




# ТО'УШКЕНТ



# О'QSHOMI

ШАҲАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЕСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 114 (9.306) 1999 йил 29 сентябрь, чоршанба

Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ  
БАРЧА МАНАБАЛДАН ОЛИНГАН СУЎТИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Самарқандда истеъмол бозори масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Пойтахтнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Италия ва Ўзбекистон. Истиқбол ва тараққиёт» дея номланган Италия технологияси ҳафталиги бошланди. Ушбу иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Италиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.
- «Моторола» — тақомиллашган электрон тизимларини яратиш ва телекоммуникация соҳасида хизмат кўрсатишда жаҳонга танилган компаниядир. Ушбу машҳур компаниянинг мамлакатимизда расмий ваколатхонаси очилди.
- Андижон вилоятининг Асака тумани пахтакорлари 17 минг тонна «оқ олтин»ни йиғштириб, республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш бўйича топшириқни бажардилар.
- Пойтахтимизнинг «Боғи Эрам» истироҳат боғида Жаҳон сайёҳлик куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.
- «Боғи Эрам» истироҳат боғида ўтказилган яна бир тадбир ўқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланди. Унда Мирзо Улугбек тумани халқ таълими вақиллари катнашдилар. Туманинг энг илғор халқ таълими ходимлари ва Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди.
- «Кеча» «Жар» спорт марказида ўқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган «Истиқлол ва аёл» деб номланган тадбир ўтказилди. Унда Шайхонтоҳур тумани мураббийлари катнашдилар.
- Бугун пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида ўқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.
- Талабалар шаҳарчасидаги Маданият саройида Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети 70 йиллиги бағишланган байрам тадбирлари ўтказилди.
- Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги «Ховдак» йод ва бром ишлаб чиқариш корхонасида синов тарихида кичик йод ишлаб чиқариш цехи қурилиб ишга туширилди.
- Нукусда 300 ўринли замонавий туғруқхона фойдаланишга топширилди. У энг янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, малакали шифокорлар билан таъминланган.
- «Кеча» Сергели туманидаги «Сергели» истироҳат боғида «Биз — Президент фарзандларимиз» дея номланган ёшлар Форуми ўтказилди.
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Сайловлар — давлатчиликни тақомиллаштиришда муҳим босқич» мавзусида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

- Россия федерал авиацияси чечен жангарилари тўпланган жойлар ва стратегик аҳамиятга эга бўлган иншоотларга қарата кучли ракета - бомба зарбаларини беришни давом эттирмоқда. Жумладан, ўтган кун Грозний ҳудудидаги иккита нефтни қайта ишлаш заводларига бомбалардан зарбалар берилди. Чеченiston Президенти Аслан Масхадов Москва билан расмий музокаралар бошлашга даъват этиб, умумий сафарбарлик эълон қилди. Федерал пенсия фонди эса чечен пенсионерларига пенсия тўлаш учун ажратилган маблағларни тўхтатганини эълон қилди.
- «Кеча» Қозғоғистон парламенти ўзининг икки палатадаги қўшма мажлисида ҳукуматга ишонч тўғрисидаги масалани қараб чиқди.
- 1 октябрда Пекинда катта ҳарбий парад ва ХХР ташиқил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан улкан тантаналар бўлиб ўтди.
- «Кеча» Косовога халқроқ тинчликни ўрнатувчи кучлар сафида иштироқ этиш учун Озарбайжондан ҳарбий хизматчилар жўнаб кетиши, Озарбайжонлик тинчликни ўрнатувчилар тегишли тайёргарликни Туркияда ўтади.
- Вашингтонда Халқроқ валюта фонди ва Жаҳон банки бошқарувчилари кенгашининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтмоқда.
- Бугун Доғистоннинг Хасавюрт шаҳрида Доғистон давлат кенгашининг раиси М.Алимагомедов билан Чеченiston Президенти А.Масхадовнинг учрашуви бўлиб ўтиши керак. Ушбу учрашувдан кўзда тутилган мақсад хабар қилинмади.
- Эртага Санкт-Петербургда МДХ мамлакатлари хавфсизлик ва махсус хизматлар органлари раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтади.
- Яқшанба кун, 3 октябрда Корея Республикаси халқи ўз миллий байрами - Корея ташкил топганлиги кўнини нишонлайди.
- Миср Араб Республикасининг 71 ёшли Президенти Хусни Муборакни Миср халқи мамлакатда ўтказилган умум-халқ референдумида тўртинчи бор олти йиллик муддатга қайта Президент этиб сайлади.
- Чилилик диктатор Аугусто Пиночет устидан очилган янги суд жараёни Испаниялик судьялар талабига биноан А.Пиночетни Испанияга топшириш масаласини кўриб чиқади.
- Серб муҳолифатининг етакчиси - серб «Янгилик» ҳаракатининг раиси В. Драшковић Прагада Чехия Президенти В. Гавел томонидан қабул қилинди.
- Косовода албан айирмачилари томонидан серб кишлогининг ўзқа тўтилиши оқибатида уч киши ҳалок бўлди ва бир қанча киши жароҳатланди.
- «Кеча» Тайвандда Халқроқ ўлмови бўйича 5,5 балл куч билан яна ер силкиниши содир бўлди. Ҳалок бўлганлар ва вайронгарчиликлар ҳақида хабар берилмади. Ўтган ҳафтанинг узидагина бу ерда 8 мингга яқин ер силкинишлари содир бўлди.
- 1 октябрда Бишкекда III Марказий Осиё ўйинлари бошланди. Унда Ўзбекистон спортчилари спортнинг тўққиз тури бўйича мусобақаларда катнашади.

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

### ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!  
Қадрли устозлар!

Сизларни умумхалқ байрами - Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва кадр-қиймати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуг ва шарафлиси, бу - ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идроқимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади. Заҳматқаш устоз-мураббийларнинг меҳнат ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олижаноб инсоний фазилатлар камол топади.

Шу боис барчамиз ўқувчилик йилларини ҳаяжон ва соғинч билан эслаймиз, меҳнатқаш ва меҳрибон устозларимизни ҳамиша эзгу сўзлар билан хотирлаймиз.

Устозни отадан улуг деб билган маърифатпарвар халқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳамиша ардоқлаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, бизга лоақал бир ҳарф ўргатган устознинг ҳаққини юз минг ганжу ҳазина билан ҳам ўзиб бўлмайди. Биз улардан умр-бод қарздормиз.

Азиз муаллимлар!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, хусусан, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда сизларнинг ҳиссангиз беқиёсдир.

Бу дастур мавжуд таълим-тарбия тизимини ўзгартирибгина қолмасдан, балки биз орзу қилаёт-

ган янги авлодни тарбиялайди.

Янги авлод деганда мен, аввало, ўзлигини теран англаган, улуг мутафаккир аждодларимизнинг буюк ва бетакрор меросига муносиб ворис бўлган, шу билан бирга, илм-фан чўққиларини эгаллашда маърифий дунёда ҳеч қимдан қолишмайдиган навқирон фарзандларимизни назарда тутаман.

Ана шу авлодни тарбиялайдиган Миллий дастур энг катта орзу-умидларимизни, муқаддас интилишларимизни рўёбга чиқарадиган, ҳозирги ва келажак ҳаётимизнинг равнақини белгилаб берадиган асосий омилдир. Бу шарафли вазифа бугунги кунда жамятимизнинг ҳар бир аъзосига, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни кўзлаб яшаётган халқимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Лекин биринчи навбатда бу эзгу иш сиз каби маърифат фидойиларининг давлат ва халқ олдидаги муҳим ижтимоий ва инсоний бурчидир.

Мана шу улкан ва ўта масъулиятли вазифани адо этишингизда давлатимиз ва жамятимиз муҳтарам муаллим ва мураббийларимизни эъзозлаш ва ардоқлашда, сиз азизларга муносиб шарт-шароит яратишда ҳеч қандай куч ва маблағини аямайди, деб ишонтиришга руҳсат бергайсиз.

Азиз устозлар!

Сизларни байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан кутлаб, барчангизга соғлиқ-омонлик, бахту саодат, шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймэн.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.

### ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонида биноан республикада таълим-тарбия тизимини тақомиллаштириш, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш, ёш авлод онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўнган муносиб ҳиссаси ҳамда ўзининг фидойчилиги билан кенг жамоатчилик иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнқ кўрсатилган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар ана шундай юксак мукофотларга мушарраф бўлдилар:

#### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Абидова Раъно Жалиловна — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 115-мактабнинг география ўқитувчиси

#### «Меҳнат шухрати» ордени билан

Йўлдошев Жўра Ганиевич — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

Каримов Раҳматулла Ташбаевич — Тошкент шаҳар А. Икромов тумани 4-мактабнинг директор ўринбосари

Мирзалиев Турғунбой — Тошкент Давлат университети кафедра мудири вазирасини бажарувчи

Ҳасанова Бибисара — Тошкент шаҳар Яққасарой тумани 319-мактабнинг тарих ўқитувчиси

(Давоми 3-бетда).

#### Нишондорларимиз

### ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛИБ

Жонқуяр, фидойи устозлар ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, Юртбошимизнинг ушбу сўзлари дарров ёдга тушади. «Биз ўз истеъдодим, фидойи болаларимизга, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак».

Ҳа, дарҳақиқат ўқитувчи, устозлар ёшларни билим чўққиларига етаклаб, уларнинг юксак доволарни забт этишида қанот бўлишлари керак. Кўп йиллардан буён ана шундай минглаб ўқувчилари, шогирдларига қанот бўлиб келаятган фидойи ўқитувчи Тўхтамурод Содиков ҳам Мустақиллигимизнинг 8 йиллик байрами арафасида Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди. Бу қувончли хабар тезда тарқалди. Тўхтамурод Содиков меҳнат қилиб келаятган Республика рассомчилик коллежи жамоаси ҳам бу хушxabарни зўр қувонч билан қарши олди.

Шуни айтиш керакки, Т. Содиков ўз умрини илмга, талаба ёшларга сабоқ беришга, шу йўлда бор билими, куч-қув-

ватини бағишлаган инсонлардандир. 1961 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг рассомчилик коллежида ёшларга рангтасвир, рассомчилик бўйича дарс бериб келмоқда. — Мен Эски шаҳардаги 14-мактабда, 5-6-синфда ўқиб юрган кезларимда кўпгина болалар ўқувчилар уйига қатнардим. Уларга қараб мен ҳам рассомчиликка қизиқишим туфайли тўғаракка қатнай бошладим, — деб эслайди Тўхтамурод эка. — 7-синфини тамомлагач, 1951 йили Республика рассомчилик билим юртига ўқишга кирдим. Учинчи курсда ўқиб юрган давларимда иқтидорли ўқувчилар сафидан анча танилиб қолдим. Беш йил ўқиб, билим юртини тугаллагач, театр ва рассомчилик институтининг рангтасвир бўлимига ўқишга кирдим.



Ҳа, тинимсиз ўқиб-ўрганиши, ўз устида ишлаши туфайли Т. Содиков 1960-1963 йиллар 3-курсда ўқиётган чоғлари бўш вақтларида маданий-оқартув техникумида санъат тарихидан ўқувчиларга дарс бера бошлади. 1964-66 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг академиги Бахтиёр Бобоев тавсияси билан Политехника институтининг архитектура факультетига устози, таниқли рассом Чингиз Аҳмадова ёрдამчи бўлиб ишга кирди. 1968-1982 йилларда эса Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг бадий графика факультетига қаламтасвир, рангтасвир композициядан ўқувчиларга сабоқ берди. Тўхтамурод Содиков ўқувчиларга дарс берибгина қолмай, ўз устида ҳам ишлаб, тинимсиз ижод қилиб келди. 1951 йилдан буён Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Паранжи ташлаш» мойбўёқда ишланган бадий асарни сақлаб келмоқда. Бу асарга Урол Тансиқбоев ҳам катта баҳо берибди. Бундан ташқари «Тумариснинг қасоси» деб номланган тарихий асарига ҳам илмий кенгаш аъзолари яқин баҳо бериб, ҳозиргача

ка институтининг бадий графика факультетига қаламтасвир, рангтасвир композициядан ўқувчиларга сабоқ берди.

Тўхтамурод Содиков бугун Ўрта Осиёни кезиб чиқиб, кўпгина ажойиб манзаралар, жозибали этюдлар яратди. Шу билан бирга кўплаб шогирдлари, ёш рассомларга раҳбарлик қилиб, Москва, Санкт-Петербург шаҳарларидаги тарихий ва санъат музейларига саёҳат уюштириди. Ўрта Осиёдаги Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқалардаги қадимий ва тарихий архитектура ёдгорликларини бориб ўрганиб, зиёрат қилиб қайтибди. Бу йиллар давомида у

тарих музейининг нодир экспонатлари орасидан ўрин олган.

Тўхтамурод Содиков бугун «Меҳнат қилган — элда азиз», деб беҳиз айтаман деган ҳақиқатни бутун умрини, иқидини фақат меҳнатга бағишлаган, ёш авлодга билим беришдек шарафли ва машаққатли вазифани сидқидилдан адо этиб келаятган Тўхтамурод Содиков каби устозлар доимо эл эъзозиди, ардоғида!

Дилдора ҲАМИДОВА.  
СУРАТДА: Тўхтамурод Содиков ўз ўқувчилари даврасида. Рустам Шарипов олган сурат.

Улфатим кўп, аммо бир дўсти ҳамроҳ, Ҳалим тополмайман ундан ҳалимроқ, Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ, Олим тополмайдим ундан оливроқ, Бола юрагимда бебаҳо тилсим, Оддий муаллим у, оддий муаллим.

#### Муҳаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири

### ОДДИЙ МУАЛЛИМ

Аяган ҳаёт ниш-санчиқларидан,  
Йиқилса кўтарган қўлтиқларидан,  
Отадек эзилган гуссага ботса,  
Боладек қувонган ютуқларидан,  
Ушқуда шогирдин ўйлаб ётган ким?  
Оддий муаллимда, оддий муаллим.

Йўздан Берунийни бинолар қилган,  
Ҳусайини Ибн Синолар қилган,  
Маширабни машхури дунёлар қилган,  
Абдуллонинг тилин бурролар қилган,  
Илоп ўйнагандек Сўз ўйнаган ким,  
Оддий муаллимда, оддий муаллим.

Қадри билинади менга энди гоҳ,  
Оддий мактабимга ўша беҳашам,  
Навоийку бизга устоздир бироқ,  
Кимдир ўқитганку, Алишерни ҳам.  
Шундай буюк зотга ҳарф ўргатган ким?  
Оддий муаллимда, оддий муаллим.

Тупроқдек ҳокисор безовта жонлар,  
Аммо қаноатда тоғдек улугвор,  
Ҳатто Темурдийин соҳибқиронлар,  
Пирум деб этагин ўнган зотлар бор.  
Буюк жаҳонсизга йўл кўрсатган ким?  
Оддий муаллимда, оддий муаллим.

минглаб шогирдларга устозлик қилди.

— Шогирдларим билан чексиз фахрланаман, — дейди Т. Содиков. — Улар бугунги кунда таниқли рассом, элга машҳур инсонлардир. Шогирдларим академиклар — Жавлон Умарбеков, Йигитали Турсунназаров, Алишер Мирзаев, Баҳодир Жалолов, Турсунали Кўзиев, «Мусаввир» бирлашмасида бош рассом Қобил Қосимовлар номи фахр ва ифтихор билан тилга оламан. Бундан ташқари, Беҳзод номли рассомчилик ва дизайн институтиди ҳам ўндан ортққ ўқитувчилар менинг шогирдларимдир. Кўплаб шогирдларим ҳозирги кунда фан номзоди, профессор-ўқитувчилардир.

«Меҳнат қилган — элда азиз», деб беҳиз айтаман деган ҳақиқатни бутун умрини, иқидини фақат меҳнатга бағишлаган, ёш авлодга билим беришдек шарафли ва машаққатли вазифани сидқидилдан адо этиб келаятган Тўхтамурод Содиков каби устозлар доимо эл эъзозиди, ардоғида!

Дилдора ҲАМИДОВА.  
СУРАТДА: Тўхтамурод Содиков ўз ўқувчилари даврасида. Рустам Шарипов олган сурат.

Улфатим кўп, аммо бир дўсти ҳамроҳ, Ҳалим тополмайман ундан ҳалимроқ, Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ, Олим тополмайдим ундан оливроқ, Бола юрагимда бебаҳо тилсим, Оддий муаллим у, оддий муаллим.

Ўзга қираман мен, худо хоҳласа,  
Эҳтимол юздан ҳам утарман дурқун.  
Қайноқ кучоғига хурулар чорласа,  
Ҳеч қимдан қаршим йўқ, кетарман бир кун.  
Бўлса ҳам бир зотдан бўлади қарзим...  
Оддий муаллим у, оддий муаллим.

#### 1999 — Аёллар йили

### ПОЙТАХТ ХОТИН-ҚИЗЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Сўхбат Пўлатов билан мукофотлиқ шахарнинг ўзини ҳақида 1-6 октябр кунлари бўлиб ўтган II шаҳар хотин-қизлар спартакиадасининг ташкилий томонлари ҳусусида бўлди.

— Аёлларимизни спортга жалб этиб, саломатликларини мустаҳкамлашдек хайрли мақсадлар йўлида ташкил этилган ушбу спартакиада Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, қасаба уюшмалари Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар спорт қўмиталари ташаббусининг мева-сидир — дейди С.Пўлатов.

— Уни ўтказишда «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Наврўз», «Камолот» жамағамаларининг шаҳар бўлиmlлари ҳам фаол иштирок этмоқда. — Спартакиада бахсларида кимлар катнашади? — Ёшлар учун турли хил мусобақалар ўтказилиб турилишини ҳисобга олган ҳолда корхона, ташкилотларда фаоллик кўрсатаётган, маҳалларда истиқомат қилаётган уй бекалари бўлиш 25 ёшдан юқори бўлган хаваскор спортчилар талаба учун баҳс юриштирилади. Яъни, туман саралаш мусобақаларидан ўтган энг кучли хотин-қизлар уз маҳоратларини намойиш қилишади. Ҳар бир туман жамоасида 50 нафардан спортчи мавжуд, демак, 600га яқин аёллар спартакиадада иштирок этади. — Мусобақалар нечта спорт турлари бўйича ва қайси ўйингоҳларда ўтказилади? — Худди олдингидек бу гал ҳам сақий спорт тури бўйича беллашувлар ўтказилади. Фақат бу гал беллашнинг урнига армрестлинг қўйилди. 1 октябр кўни «Пахтакор» марказий ўйингоҳида соат 16.00да спартакиаданинг тантанали очилиши бўлган, сўнг 100, 200 метрга югуриш бўйича баҳслар бўлиб ўтади. Соат 17да эса шаҳар ҳокими Кубоғи учун футбол бўйича Юнусободнинг «Асбобоз» ва республика ИИВнинг «Академия» жамоалари беллашади. 6 октябрда қадар спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам мусобақалар бўлиб ўтади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

**Мақтаб — катта ва улуг даргоҳ. Бу кутлуғ даргоҳга раҳбарлик қилиш гоят машаққатли ҳамда шарафли. Ана шу масъулиятни вазифини эриши билан бажариб келадиган инсонлардан бири Собир Раҳимов туманидаги намунали билим маскани бўлиши 24-мактабнинг директори Доно Мираҳмедовани айни ўқитувчилар ва мураббийлар кунин байрами арафасида қизгин суҳбатга чорлади. Ва суҳбат давомида унинг ўзи ҳам, сўзи ҳам донолигига иймон келтирдик.**

**Диллашу**

# ЎЗИ ДОНО, СЎЗИ ДОНО



— Доно Хусановна, айтингчи, ёшлар мураббийси бўлиш ёшликдаги орзуингизми?

— Халқимиз қадимдан устозларни эъзозлаб, ҳурмат-эҳтиром билан юксак иззат кўрсатиб келган. Улар ҳаётимиз чароғонлари, авлодимиз боғбонлари, фидойи инсонлардир. Балки шунданми билмайман, ҳар қалай ёшлигимдан ўқитувчиликка эътиқодим баланд. Уларнинг жонқуяр ва фидойиликларига ҳар доим ҳавас билан қарардим. Шунинг учун бу касбни танладим. Лекин раҳбарликка интилмаганман. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини 1978 йили тамомлаб, шу йили С. Раҳимов туманидаги 165-ўрта мактабда она тили ва адабиёт фанидан ўқувчиларга сабоқ бера бошладим. Кейинчалик илмий бўлим мудири, тарбиявий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари бўлиб ишладим. 1983-88-йиллар Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимида назоратчи ва шу тумандаги 234-мактабда директор, 1997 йилдан буён Лаъл Баходир Шайхонли 24-мактабга директорлик қилиб келяпман. Касбимга меҳр қўйиб, унинг захматю машаққатларини енгиб, астойдил тер тўкиб ҳалол меҳнат қилиб келяпман.

— Ёшларни жисмоний ва маънавий соғлом камол топишида уларнинг онгига миллий истиқлол гоёларини сингдириш учун кўпроқ нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

— Ўқувчиларни аввало она-Ватанини севишга, унинг қадрига етишга, шунингдек ота-она, қариндош-уруғ, кўни-қўшни, дўст-биродарларига меҳр-оқибатли, меҳнатсевар, ростғўй ва ҳалол бўлишга ўргатиш керак. Шунинг учун одобнома дарслари мунтазам ҳар бир синфларда ўқитиб борилмоқда. Шу билан бирга уларга ҳозирги кун талабига жавоб бериш учун ҳуқуқий билимга, ҳуқуқий тарбияга алоҳида аҳамият бериб, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ, лоқайд бўлмаликка ундаш керак.

— Мактабда ҳинд тили ўқитилар экан. Албатта, Ҳиндистон билан дўстлик алоқалари ҳам ривожланган бўлса керак?

— Билим масканимизда 2286 ўқувчи билим олмақда. 42 та фан кабинетлари мавжуд бўлиб, китобларга бой кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Бундан ташқари Робиндранат Тагор номи ҳинд-ўзбек дўстлиги музейи ташкил қилинган. 1956 йилдан буён мактабда ҳинд тили фани ўқитиб келиняпти. Ўқувчилар бу тилни ниҳоятда қизиқиш билан ўрганмоқдалар. 1998 йил ҳинд тили ўқитувчиси Клара Эшонкулова Ҳиндистонда бир йиллик меҳнат амалиётида бўлиб қайтди ва ҳозирги кунда у ерда олган бой тажрибаларини ўқувчиларга ўргатмоқда. Шунингдек, мактабда «Ҳинд тилини ўрганамиз», «Ҳиндистон — менинг тасаввуримда», Ҳиндистон маданий маркази билан ҳамкорликда эса рақс тўғараклари фаолият кўрсатмоқда.

— «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари мактабга тез-тез ташриф буюриб, турли мавзуларда кизиқарли тадбирлар ўтказиб туришади.

— Яқинда ҳинд тилининг олтин юбилейига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Чунки 1949 йил сентябрда ҳинд тили давлат тили макomini олган. Кечага Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Мелкуланагара Кумаран Бхадракумар ва Ҳиндистон маданий маркази раҳбари Қамар Райс жаноблари ва бошқа меҳмонлар ташриф буюришди. Қизгин савол-жавоблар билан ўтган кеча ўқувчиларда ҳинд тилига янада қизиқиш уйғотди. Мана уч йилдирки, ота-оналар ва ўқувчиларнинг талаблари асосида инглиз тили фани ҳам ўқутилмоқда. Икки тилни мукамал ўрганаётган ўқувчиларнинг кўпчилиги Тошкент Давлат Шарқшунослик институтига ўқишга кирмоқдалар.

— Айтингчи, бугунги кун ўқитувчиси қандай бўлиши керак? Уларнинг билими, малака ва тажрибалари талаб даражасидами?

— Бугунги кун ўқитувчиси аввало, юксак маънавиятли, юқори тажриба ва малакага эга, ўз фанининг устаси, фидойиси бўлиши билан бирга ёш авлодни замонамизга муносиб, она Ватанимизга содиқ барқамол инсонлар қилиб тарбиялашлари, миллий мафкура ва маънавиятни улар онгига чуқур сингдира оладиган ҳақиқий устоз-мураббий бўлишлари керак.

— Шу билан бирга «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» асосларини амалда тадбиқ этиб, ҳуқуқий демократик жамият пойдеворини янада мустаҳкамлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшишлари лозим.

— Мактабимизда ана шундай етук, тажрибали, кекса ўқитувчилар жуда кўп. Хатми Кодирова, Муҳаббат Расулова, Матлуба Раҳимжонова, Фаридат Зиймухамедова, Уктам Хасанова ва бошқалар номини фахр билан тилга олсак арзийди. Улар 40-50 йилдан ортқ меҳнат тажрибасига эга фидойи, захматқаш устозлар бўлиб, келажак мевалари — фарзандларимизга таълим-тарбия беришда ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Шу ўринда буюк алопама Абдурахмон Жомийнинг устоз-мураббийларга қарата айтган куйидаги бебаҳо сатрларини ёдга олгим келади:

«Устоз — муаллимсиз қолса бир замон, Жаҳолатдан қаро бўларди жаҳон».

Суҳбатдош Дилором ИКРОМОВА.  
СУРАТДА: 24-мактаб директори Доно Мираҳмедова.  
Рустам Шарипов олган сурат.

### Садоқат АКБАРОВА, ҳамшира:

— Мен биринчи ўқитувчимни она деб атагим келади. Уларни эсласам кўзимга ёш келади. Оламдан ўтиб кетганлар. (Оллоҳ раҳмат қилсин). Исмлари Шарифа эди. Биринчи синфда ўқиётганимда азиз онажонимдан бевақт ажралиб қолдим. Бир кун сочимни яхши ўролмай, шошиб икки хил лента тақиб мактабга борганман. Ўқитувчим Шарифа опа танаффус вақтида мени ёнларига чақириб, ўзларининг соч тароқлари билан сочимни тараб, чиройли ўриб, битта лента тақиб қўйганлар ва бирдан бошимни силлаб туриб, бағриларига босганча йиғлаб юборганлар. Уларга қўшилиб мен ҳам роса йиғлаганман.

Шарифа опа жуда оқ кўнгил, меҳрибон, гамхўр аёл эдилар. Ўша кундан уларга меҳрим янада ортган. Бўш қолсам дарҳол ёнларига бориб ўтирдим. Хеч ёдимдан чиқмайди. Бир кун дарс тугаб, энди кетмоқчи бўлиб турсам, мени ёнларига чақириб ҳол-аҳволимни сўрадилар ва кўлимга газетага ўроғлиқ бир нарса тутқаздилар. «Уйга борганда очарсан», дедилар секин. Уйга келиб газетани очиб кўрсам — оппоқ янги лента ва қишқи мактаб формаси экан. Жудаям кувониб кетганман. Ўша-ўша бу азиз инсон хотирамда абадий қолди.

### Қудрат АЮБОВ, дорихона мудири:

— Биринчи ўқитувчимни жуда яхши эслайман. Хатми опа Қодирова ҳозир

## Қалб изҳори БИРИНЧИ УСТОЗИНГИЗНИ ЭСЛАЙСИЗМИ?

«Устоз — отандек улуг», дейди доно халқимиз. Айниқса бизларда устозлар хурмат-эҳтиром, меҳр-муҳаббат, иззат-иқром билан ародоқланади. Чунки мураккаб дилмизни билим, илму фан нурулари билан мунаваар этувчи, оламни танитувчи, тўғри йўлни кўрсатувчи шу улуг зотлардир. Айниқса, биринчи ўқитувчи, биринчи устозимизни эсласан, ёдга олмасдан ўтолмаймиз. Шу ниятда юқоридаги савол билан ҳамшаҳарларимизга мурожаат қилдик.

ҳам 24-мактабда дарс бераптилар. Энг қувонарлиси — менга сабоқ берган бу ажойиб инсон қизим Лобархона ҳам биринчи устозлик қилдилар. Хатми опа ўқувчиларга жуда талабчан, меҳрибон, камтар инсон бўлиб, дарсларини ҳам қизиқарли ўтардилар. Биз оиламиз аъзолари устозимизни ҳаммиша хурмат-эҳтиром билан эслаймиз.

### Озода ФАЙЗИВА, ҳисобчи:

— Албатта, эслайман. Шайхонтоҳур туманидаги 38-ўрта мактабда узоқ йиллар меҳнат қилган Маъсуда опа Усмо-

нованинг чеҳралари ҳамон кўз олдимда. Ҳозир қарилки гаштини суряптилар. У киши бағри кенг, жуда ширинсўз, ҳар бир ўқувчининг кўнглига йўл топа оладиган, жонқуяр устоз эдилар.

Маъсуда опанинг битта одатларини яхши эслайман. «Икки» бахони иложи бўлса қўймасдилар. Лекин ўша ўқувчини дарсдан сўнг олиб қолиб шуғулланар эдилар.

### Зоир ШОКИРОВ, тадбиркор:

— Устоз деганда кўз олдимга жонажон мактаб, биринчи ўқитувчим келади. Юнусобод туманидаги 96-ўрта мактабда Ҳикмат ака сабоқ берганлар. Ўз касбига садоқатли, тўғриси, талабчан бу инсонни ҳамма хурмат қиларди. Айниқса, шўх, тарбияси оғир болалар билан жиддий шуғулланардилар. Саломлашиш, муомала маданияти, ота-онани, ака-ука, онасингилларни, каттаю кичикка хурматда бўлишликни кўп тақорлардилар...

Ҳа, болалик, ўқувчилик йилларимизни хотирласак, биринчи синф партасида ўтирган давларимиз қанчалик бахтиёр ва бебаҳо, бегуборлигини, биринчи муаллимимизни ҳаяжон ва соғинч билан эста олаимиз. Буни ҳамшаҳарларимизнинг жавобларидан ҳам сезиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам устозларимизни ҳар қанча хотирласак, қадрласак, эъзозласак арзийди.

Гулнора ҲАМИДОВА.

## Устозлар озод юртнинг энг азиз, энг улуг ва мўътабар кишиларидандир.

Ислоҳ КАРИМОВ

### Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига

# Бўлса ҳам бир зотдан бўлади қарзим... ОДДИЙ МУАЛЛИМ У, ОДДИЙ МУАЛЛИМ

### Назм

## МЕҲРИНГИЗ ЭДИ ШИФО

Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз мураббий Мавлуда Исматовга (Фаҳрия)

АЁЛ — шундай унвон бор,

АЁЛ — шундай бор олам.

Сизга деб битар ашбор —

Ўзингиз тутган қалам.

Ҳа, мактаб партасидан

Дунё бизга юз очган.

Болалик эртасидан —

Сиз — муаллим сўз очган.

Доскага минг сўйқалиб,

Бўйиша буй тенгладик.

Ҳарфлардан гул солиб,

Сиздан сабоқ тингладик.

Энди худди камалак —

Хотирада — не бори.

Ўқ тушган туя лак-лак,

Парталарнинг қатори.

Мактаб. Таниш оқ бино,

Қўйсин йўқ бир Ватан.

Меҳрингиз эди шифо —

Акса урсак дафъатан.

Ҳар ўқувчи — бир тилсим,

Ҳар сония сир эди.

Ул дамлар булоқ сим-сим,

Кувонч, ташвиш бир эди.

Парталарда гул унди,

Чинор ўди, муаллим.

ҚАҲРАМОНСиз Сиз эди,

Баралла денг: «Беш!» олдим.

Сизга элнинг баҳоси

Аъло эрди аввалдан.

Тимсоли — Юлдуз,

бу рост,

Тақиб қўйди хур Вата!

Поингизга биз, ахш,

Ўзни гулдай сочганмиз.

Қашф этганда илк маҳал,

Америка очганимиз...

Абдулла ТУРДИЕВ.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, кекса педагог Абсалом Отаматов мана 13 йилдирки «Бўстон» маҳалласи фуқаролар йиғинига раислик қилиб келмоқда. Шу йиллар мобайнида у ёшлар онгига мустақиллик гоёларини сингдиришда самарали ишлар олиб борди. Унинг хизматлари муносиб тақдирлиб, Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги байрами арафасида «Эл-юрт хурмати учун» ордени билан мукофотланди.

СУРАТДА: Абсалом Отаматов Шайхонтоҳур туманидаги «Кўнгиракча» болалар бочга тарбиячи ва тарбияланувчилари билан учрашув чоғида.

Домонохон бугун кўп ўтирди. Таълим тўғрисидаги қонуннинг баъзи жойларини қайта-қайта ўқиб, тағиға чиқди. Тунинг қанча вақт ўтганини ҳам сезмади. Китоб жавонига териб қўйилган дарслик, журналларнинг саҳифаларини арақлаб, баъзи жойларини тақор-тақор ўқиди.

У ёшлигини кўз ўнгидан ўтказмади. Ўшанда 5-синфда ўқирди. Она тили ва адабиёт ўқитувчиси раҳматли Раҳмат Содиков бир кун ўқувчиларига «Менинг устозим» деган мавзуда иншо ёздирди. Шогирдларининг ҳар қайсиси иншоларини ўзларининг сеvimли устозларига бағишлаб ёзганди. Салима марҳум Оловиддин акаси ҳақида ёзган бўлса, Ўткир Жумабек акаси ҳақида ўз фикрини баён қилганди. «Мен катта бўлгач, сиздай камтарин инсон, болажон муаллим бўламан», деган жумлаларни эса Доно Эрматова битган эди.

Институтни 1973 йилда тамомлаган Доно 153-мактабнинг муаллими, кейинчалик ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифаларида ишлади. Мана олти йилдирки, ўзи ўқиган мактабга раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Биз Доно Эрматовани 230-мактабга директорликка тавсия қилиб янглишмадик, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Ислоҳ Зокиров. — У қисқа вақт ичида мактабни илғор мактаблар сафига олиб чиқди. Унинг ютуғининг биринчи омили шундаки, у изланувчан, талабчан, фидойи, масъулиятни ҳис қилмайдиган инсон. Иккинчи сабаби эса ота-оналар, маҳалла фаоллари билан узвий боғлиқлигидадир.

Авваллари мактабда 3 сменада дарс ўтказилса, ҳозир замонавий жиҳозланган кенг, ёруғ хоналарда бир сменада дарс олиб берилмоқда. Бир вақтлар номингагина қозғога

ёзиб қўйилган тўғараклар эндиликда расман дарсдан кейин қатъий режа асосида олиб борилди.

## Ҳамкасблар ҳақида ФИДОЙИ ВА ЖОНҚУЯР

рсни таҳлил қилиш йўлларини, дарс ўтказишнинг баҳс-дарс, семинар-дарс шаклларида фойдаланади.

Яқинда фидойи устознинг тиниб-тинчимаслиги, талабчанлиги туфайли мактабда 1000 ўринли, икки қаватли сув ҳавзаси куриб, фойдаланишга топширилди. Мактаб ва 425-болалар боччаси ёнидаги Шоҳсанам кўчасидаги чиқиндихона гулзорга айлантирилди.

Ўқувчилар қалбидан йўл топган, ўз ишининг устаси, билимдон, болажон Доно Эрматова ўқитувчиси ва мураббийлар кунини арафасида ўзи таълим-тарбия берган шогирдларидан қўлаб миннатдорчилик мактубларини олмақда. Албатта, бу унинг тинимсиз меҳнатлари маҳсулидир.

Қидирбой Тўлабоев, кекса муаллим.

### Яхшиларёди

# ИБРАТ

Тўғриликдан келмиш ҳамма яхши от Эгриликдан фойда кўрмади бир зот.

Абулқосим Фивасий.

Шоир айтганидек, тўғрилик ноёб фазилат бў, унинг соҳибини улуг инсонлар қаторидан ўрин олади. Э-е тўғри инсон қалбида фақатгина покзалик, яхши ният бўлади. Ҳарас, ҳасад унга беғона.

Бундай кишилар бошқаларни ҳам ўзларидек биладилар. Ишонувчан, қувлик, айёрлик нималигини билмайдилар. Айниқса, кўпчиликка бош бўлган раҳбар кишиларда бу фазилатнинг муҳим сабаби бўлиши бу инсоннинг ҳаётда яхши ном қолдиришига асосий омил бўлади.

Ҳаётимда кўп раҳбарлар, кўрагини қатор орден-медаллар бебаб турган инсонларни кўрганман. Аммо уларнинг номлари тез орада халқ тилидан ўчиб кетишига ҳам гувоҳман. Бунинг асосий сабаби юқорида олган фазилатларнинг етишмаслигидан десам тўғри бўлади. Бир умр раҳбар бўлиш мумкин, аммо инсонларнинг яхшилигини унутиб, мол-дунёга ҳирс қўйиш, шахсий манфаати йўлида бировга жабр қилиш унинг бутун қилган тоат-ибодатини йўққа чиқаради.

Ақинча, эл, халқ манфаатини ўзининг шахсий манфаатидан устун қўйган, тупроқ каби хокисор, инсонларнинг доимо оғирини енгил қилган инсонлар исми эса авлодлар оша барҳаёт қолаверади. Шундай олижаноб шахслардан бири абадий барҳаёт инсон Тоир ака Дадашевдир.

Бу буюк инсонни Тошкент шахрининг қайси даҳасидан сўраманг хурмат билан тилга оладилар, эзгу ишларини ёдга олиб жонли мисоллар келтирадилар.

Бўй-баста келишган, фаришта юзли бу киши ниҳоятда камтарин, мулоийм сўз, айни вақтда ўта талабчан инсон эди. Катта лавозимга эга бўлишларига қарамай бу инсондаги соддалик, самимийлик бизларни

ажаблантирар

Тоиржон а халқ таълимининг бна сўқмоқларидан мдонавор ўтган мутассис-раҳбардир. Ўғувчиликдан то шах маориф бўлимининг мудири вазифасида марали меҳнат қилг устоз маориф назариясини етук олимларди амалиётни эса босита иш жараёнлари қали эгаллаган эди. Иш ҳафтасининг би кунини (шанба) мтабда ўтказиш у кишинг иш режасидан ўриолган эди.

Бир мисол: 70-71 ўқув йили. Менилон-зор туман маорф бўлимининг бош норат-чиси эдим. Маорф мудири СўлтоАҳмедов билан 162-китабга йўл олдик. ерга Тоиржон ака тириф буюрган эдилақ. Мактаб ҳаёти билан нишан-гандаридан сўи адабиёт дарсига кутувга кирдик. Дарсни и му-тахассис — аёлолиб борарди. Негади ҳая-жонларан, уятда эзла-ри қизаргани, б то-монга қарашга икани-ши яққол сезилди. Дарс ниҳоятда мваф-фақиятли ўтди. Ишгу-лот тугагач, ҳамамиз мактаб директор Жа-молиддин Асомовона-сида ўқитувчи ипиро-кида кузатув тахлини ўтказдик. Мен унда муаллима шу йил ин-ститутни битириб кел-ган, Тоир ақанин тўн-ғич келини Қарихон эканлигини эшити қал-бимда ҳайрат илан бирга таҳсин ва авас пайдо бўлди.

Абдулаҳад Йўлиев, Ўзбекистон Республикасида хамат кўрсатган халқ таълими ходими.



Ҳозирги кунда ўқувчи ва мураббийлар хизмати ниҳоятда қадрлиб, муносиб баҳоланмоқда. Шаҳримиздаги 186-мактабда тажрибали ўқитувчи, «Халқ таълими аполчиси», «Фидойи ўқитувчи» унвонлари соҳиб Каролат Исаева мана 42 йилдан буён она тили ва адабиётдан ўқувчиларга чуқур билим бермоқда.

СУРАТДА: Каролат Исаева тўғарак аъзолари дврасида.

Равиль Альбеков олган суратлр.

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллий истиқлол мақсади ва гоёларини рўйбга чиқарадиган соғлом авлоднинг вояга етказиши, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида фидойи ҳамда соғлом инсонлар қилиб тарбиялашдаги шарафли меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

## I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Арипова Майсара** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 126-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Муллобабаева Генара Мирамдулова** — Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Усмонхўжаев Талъат Саидович** — А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти кафедра мудири

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Маҳмудова Гулсунои Кўчқорова** — Тошкент шаҳар Яққасарой тумани 118-мактабнинг математика ўқитувчиси

**Назаров Шавкат Машрабович** — Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунаслар маркази бош директори

**Пинчук Лидия Ивановна** — Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

**Ёшлар истеъдодини камол топтириш, уларни юксак маънавий ва ахлоқан етук қилиб тарбиялаш йўлидаги фидокорона хизматлари ҳамда Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувлиқни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

## «Дўстлик» ордени билан

**Аракелян Татьяна Михайловна** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 49-мактабнинг тарих ва ҳуқуқ ўқитувчиси

**Некрасова Татьяна Павловна** — Тошкент шаҳар Миробод тумани 60-мактаб директори

**Орлова Елена Николаевна** — Тошкент шаҳар Бектемир тумани қўшимча таълим мажмуаси тўғрақ раҳбари

**Сейтхалилов Эдем Азизович** — Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълимининг ривожлантириш институти Бош илмий ходими

**Ўсиб келатган ёш авлоднинг ўз юртидан фахрланиши, Она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда юксак инсоний, миллий қадриятлар ва маънавий гоёларни тарғиб қилишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

## «Шуҳрат» медали билан

**Бектемиров Ҳабибулла** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Республика атамашунослик қўмитаси раиси ўринбосари

**Ли Уля Сунсеновна** — Тошкент шаҳар Сергели тумани 6-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Музаффарова Гулноза Анваровна** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 41-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Мусаев Паёз** — Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти бўлим мудири

**Мусаева Наргиза Эркиновна** — Тошкент шаҳар А. Икромов тумани 540-болалар боғчаси тарбиячиси

**Раимова Марҳамат** — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 249-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Султанходжаева Озода Саидовна** — Тошкент шаҳар Хамза тумани 198-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Тоджибаева Офтобхон Абдуғафуровна** — Тошкент политехника коллежининг тарих ва давлат ҳуқуқи ўқитувчиси

**Тохтаходжаева Минаввар** — Тошкент давлат педагогика университети илмий ишлар бўйича проректори

**Кўп йиллик меҳнати, республика таълим тизимини ривожлантиришдаги катта хизматлари, ёшларга билим ва тарбия бериш, касб маҳоратини ўргатиш, уларни халқимизнинг асрий анъаналари ва қадриятларга садоқат руҳида, гоёвий баркамол ва жисмоний соғлом қилиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагилар фахрий унвонлар берилсин:**

## «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Мансуров Камил** — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 63-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

**Генералова Тамара Дмитриевна** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 410-махсус болалар боғчаси услубчи-логопеди

**Исангулова Римма Фёдоровна** — Тошкент шаҳар Яққасарой тумани 89-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Холмухамедова Дания Шараповна** — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 22-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

**Бурхонходжаев Саидқром Усмонходжаевич** — Тошкент шаҳар Спорт уйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби стол тенниси бўйича бош мураббий

**Маткаримов Рашид Машарипович** — Тошкент шаҳар Олимпия резервлари Республика билим юрти оғир атлетика бўйича устози.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
1999 йил 28 сентябрь.

# ҲАМКОРЛИК БОР ЖОЙДА

**Табиатни муҳофаза қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи.** Ҳозирги кунда **Ҳамза туманида истиқомат қилаётган 250 мингдан ортиқ турли миллатга мансуб аҳоли бунни яхши тушуниб, ибратли ишларни амалга оширмақда.** Шу тўғрисида туман шаҳримизнинг энг кўзга кўринган, гўёла ва йирик саноат, маданият марказларидан бирига айланмоқда.

Туманда 40 дан ортиқ саноат корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг деярли барчаси ҳозирги кунда фаолият кўрсатмоқда. 10 дан ортиқ бозор, 20 га яқин савдо расталари, 25 та тиббиёт, 10 та маданият марказлари ишлаб турибди. Бундан ташқари 32 та мактаб, 69 та боғча, 15 та лицей, 48 та ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда 8 та элчихона фаолият кўрсатмоқда. Туманнинг экология ва санитария ҳолати кундан-кунга яхшиланган бўлмоқда. Ободонлаштириш ишлари намунали йўлга қўйилган. Бу хайрли юмшда туман ҳокимияти ва ободонлаштириш бошқармаси бош-қош бўляпти.

Албатта бундай кенг қўламли ишларни олиб боришда замонавий техниканинг хизмати катта. Бугунги кунда ободонлаштириш бошқармаси ихтиёридаги 18 дан ортиқ машина, 2 та сув сеппиш техникаси, 3 та юк ортиш трактори ҳар куни озодлик ишларига жалб этилади. Туман ҳудудида жойлашган автотранспорт корхоналари эса кўчаларни тазалаш ва уларнинг санитар ҳолатини яхшилашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишяпти. Лозим бўлган вақтларда бу корхоналар ўз ҳудудларини тартибга келтирган ҳолда ободонлаштирувчилар таклифи билан уларга керакли техникадан ёрдам беришади.

Тумандаги мавжуд 22 та марказий кўчадан ўтган ирригация тармоқлари мунтазам тазаланиб турилади. Йўл ва йўлақлар тартибга келтирилиб, дарактларга лозим вақтларда шакл берилмоқда. Энг муҳими, бу юмшлар бошқарма томонидан тузилган қатъий режа асосида олиб борилади.

Бугунги кунда туманнинг умумий кўкчаларнинг умумий майдони 160,3 гектарга етди. Шундан майсазорлар 5,87 гектарни, гулзорлар 1,48 гектарни ташкил этади. Дарактларнинг умумий сони эса 97218 тага етган.

**Мустақиллик шарафати билан табиатни асраш ва экология муаммолари давр талаби даражасидаги масалалардан бирига айланган. Шаҳримиздаги 2515 автотранспортда ҳам бу масала алоҳида диққат билан қаралмоқда.**

Биргина мисол, бундан 35 йил муқаддам автотранспорт хизмати учун қурилган ёнилғи қуйиш шохобчаси эскириб қолганди. Бунинг устига у ноқулай жойга ўрнатилганлиги билан атроф-муҳитни, шунингдек, корхона ҳудудидан ўтайдиган «Салор» каналини қисман ифлослантириб турар эди. Бу масала табиатни муҳофаза қилиш хизматчилари эътиборидан четда қолмади. Уларнинг саъй-ҳаракати ва корхона раҳбариятининг хоҳиши билан бу шохобча бошқа ҳавф-хатарсиз, зиб-захматсиз жойга қўйрилиб, яндиган бунёд этилди.

Автотранспорт ҳисобида ҳаммаси бўлиб 262та автомашина ва 52та тиркамалар бор. Бу техникаларнинг экологик мувозанатини кўздан кечириб туриш мақсадида унинг штат жадвалига муҳандислар миқдорини ўлчаш учун газ ўлчашчи катализатори ва тутун ўлчашчи қурилмалари ўрнатилган. Улар вақти-вақти билан давлат стандарти текширувдан ўтказилиб турилади. Созлаш цехидан

диз-эколог лавозими киритилган. Унга махсус хона ажратилган бўлиб, бу жой лозим йўриқнома ва кўргазмалар билан жиҳозланган. Шунингдек, жамланмада диагностика участкаси ҳам мавжуд. Бу ерда келтирилган ёнилғи таркибини текшириб, техникаларни соғлом ишлаш бажарилади. Бундан ташқари машиналар двигателидан чиқадиган зарарли чикин-

дизлар миқдорини ўлчаш учун газ ўлчашчи катализатори ва тутун ўлчашчи қурилмалари ўрнатилган. Улар вақти-вақти билан давлат стандарти текширувдан ўтказилиб турилади. Созлаш цехидан 70 фоизини ташкил этади. Автотранспортда кўкчаларни тозалаш ишлари ҳам катта эътибор қаратилган. Унинг 25 фоиз миқдоридида худуди кўкчаларни тозалатирилган. «Салор» қирғоғи бўйлаб 800 метр узунликда яшил зона барпо этилган бўлиб, у нафақат автотранспорт жамоаси, балки унга кўшни бўлган «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш ва бошқа корхона ишчи-хизматчилари учун ҳам дам олиш оромгоҳига айланган.

**Собир МАҲАМАТОВ,**  
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозир.**



№ 8 (92) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Туманда кишга тайёргарлик ишлари ҳам яхши олиб боришмоқда. Бугунги кунга бу ерда кишли - қировли кунлар учун 250 дона белкуррак, 22 та туз сақлаш контейнерлари жамғариб қўйилган. Бундан ташқари тўқилган дов-даракт барглари ва хазонларни йиғиб-териб олиш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Хазонларни сақлаш учун 2 махсус чуқур ҳозирлаб қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, туман ободонлаштириш бошқармаси шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ўз ҳудудининг янада обод ва гўзал бўлишига лозим даражада ҳисса қўшмоқда.

**Раёно НИҒМАТУЛЛАЕВА,**  
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозир.**



Олтин куз неъматлари.

# СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

**Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш муаммоси долзарб масала бўлиб турибди.** Турғи, шаҳримизда ичимлик сувидан фойдаланиш бўйича «Сувсоз» трести ва унинг жойлардаги тармоқлари самарали ишлаб келмоқда. Аммо очик сув ҳавзаларидан фойдаланиш ва уларнинг атрофини ободонлаштириб, яшил йўлақлар ташкил этиш, санитария қондаларига риоя қилишда бир қатор қамчиликлар ҳам кўзга ташланади, бундан кўзга кўриниб кетмади.

Шаҳримиз ҳудудидан жуда кўплаб каналлар оқиб ўтади. Бўзсув, Анҳор, Салор, Бўржар, Қорақамчи каналлари яқинидаги корхона ва ташкилотларнинг кўпчилиги суви муҳофаза қилиш ўрнига уни ифлослантиришга

ни сайру саёҳат қилган кишининг баҳри дили очилади. Лекин ҳамма жойда ҳам каналлар бўйлари тоза ва озода деб бўлмайди. Бу борада Чилонзор тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи сув ҳавзаларини мисолга келтириш мумкин.

Туман ҳудудидан Анҳор, Бўржар ва Оқтепа каналлари оқиб ўтади. Масалан биргина Анҳор каналини олайлик. Унинг умумий узунлиги 8 километрни ташкил этади. Канал Чилонзор метросининг Собир Раҳимов станцияси яқинида иккига, яъни «Қонқус» ва «Чилла» кичик каналларига бўлиниб, Зангиота тумани бўйлаб оқиб ўтади. Ушбу каналнинг Чилонзор тумани ҳудудидан жойлашган қирғоқлари яқинидаги корхона ва ташкилотларнинг кўпчилиги суви муҳофаза қилиш ўрнига уни ифлослантиришга

«ҳисса» қўшиб келмоқдалар. Бўржар каналининг бугунги аҳоли ҳам кўнгилдагидек эмас. Ушбу канал қирғоғида асосан маҳаллалар жойлашган. Кўпчилик хонадонлар ахлатларни тўғридан-тўғри оқиб сувга ёки унинг қирғоғига тўкиб кетишади. Натижада қирғоқ бўйлаб юрган киши кўплаб ахлат уюмларига дуч келади.

12 километр узунликдаги Оқтепа канали Байналмилл кўчаси, Оқтепа кўприги, Акмал Икромов тумани чегарасидан ўтиб, Бўзсув каналига қўшилиб кетади. Унинг атрофидаги корхона ва ташкилотларнинг кўпчилиги суви муҳофаза қилиш қондаларини бузган ҳолда жойлашган. Шу тўғрисида улар томонидан ишлатилган оқова сувлар тўғридан-тўғри каналга келиб тушмоқда.

Тумандаги очик сув ҳавзалари, уларнинг муҳофазаси билан шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва уларнинг жойлардаги нозирлар мунтазам равишда шуғулланиб келмоқдалар. Лекин шунга қарамай, қутилган натижага эришиляпти, деб бўлмайди.

Яқинда туман прокуратураси, санитария милицияси, санитария-эпидемиология станцияси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган рейд чоғида қондалардан 14 кишига далолатнома тузилди. 9та мансабдор шахсларга 8500 сўм миқдорда жазо солинди. Автомобилларни таъмирлаш устaxonаси, машиналар сақлаш жойи, «Раҳматулло ота» фирмалари томонидан очик сув ҳавзаларидан фойдаланишда санитария қондаларига риоя этилмаётганлиги аниқланиб, уларга кўргазмалар берилди. Шунингдек, Бўржар

қирғоғида жойлашган Гулобод маҳалласи томонидан сув ҳавзасини керакдиз чиқиндилар билан ифлослантирилганлиги ҳолати қайд этилиб, бу ҳақда танқидий фикрлар билдирилди. Бундай нохуш кўринишлар сув ҳавзалари атрофида жойлашган яна бир қатор маҳалла ва хонадонларда такрорланаётганлиги ҳам эътироф этилди. Уларга суви ифлослантириш, ундан фойдаланишда санитария қондаларига риоя қилиш мажбуриятини қайта таъкидлаш қарор қилинди.

Кўрииб турибдики, очик сув ҳавзаларини муҳофаза қилишга нафақат тегишли ташкилотлар, балки кенг жамоатчилик, маҳалла қўмиталари фаоллари ҳам жалб этилишлари лозим бўлади.

**Орзиқул Тўрабоев.**

# ЭКОЛОГИЯ КУНДАЛИГИ

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг нозирлари доимий равишда пойтахтимиздаги корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан атроф-муҳит муҳофазаси қонунлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилиб боришга қарамай, айрим корхоналар маъмурияти бу соҳада ҳамон жиддий нуқсонларга йўл қўйиб келишмоқда. Оқибатда уларга нисбатан молиявий жазо ва бошқа чора-тадбирлар қўллашга тўғри келаяпти. Мисолларга муражаат қилайлик.

1. Тошкент шаҳар метро қурилиш бошқармасида бўлган текширувчилар корхона ҳудудининг белгиланмаган жойига мазут тўкилганлигининг гувоҳи бўлишди. Бу ҳақда бошқарма бош муҳандиси Р.Я.Сиятовский оғохлантирилди.

2. «Ўзбекфильм»нинг бош нурсози А.Р.Барановский эса чикинди тўплаш жойидан ташқари ташланган лампа синиқлари учун жаримага тортилди.

3. «Алина» кўша корхонасида сув исрофгарчилигига йўл қўйганлиги корхона ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Ф.В.Жуликковга анча қимматга тушди. У текширувчилар томонидан белгиланган жаримани тўлашга мажбур бўлди.

4. «Роҳатавтосервис» ҳиссадорлик жамиятида ҳам сув исрофгарчилигига йўл қўйилди. Натижада бош муҳандис Р.Мойлиева ҳам молиявий жазо белгиланди.

5. 1-ўйсозлик қўмитаси цех бошлиғи Сайдалиева ва унинг ёрдамчиси Грязновлар чикинди сувларни тазовалини қурилмаган носоғлиқ тўғрисида оғохлантириш олдлар.

6. «Тошкентсуд» ҳиссадорлик жамияти компрессор цехи бошлиғи А.Собиров шехда ҳавони тазалаш туруви қурилмани ишлатмагани учун назоратчилар томонидан тегишли жазо олди.

7. «Гўштсўтасов» корхонасининг бош муҳандиси ўринбосари Б.Ашурметов корхонанинг биринчи бўлимида ўрнатилган ҳаво ҳайдаш ва совутишни қурилмаси ёни-атрофи ифлослантирилганлиги тўғрисида жарима тўлашга мажбур бўлди.

8. Сергели туманидаги «Нефтогаз» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси М.Очилов белгиланган тартибни бузиб атроф-муҳитни ифлослантиригани учун жаримага тортилди.

9. Чилонзор туманидаги 1-педагогика билим юрти ёшларнинг илм олиш даргоҳи бўлишига қарамай, унинг ҳовлиси кўлини керакдиз чиқиндилар билан буғланиб ётади. Инсон саломатлиги учун зарар келтирувчи бундай номақбул ҳолат йўл қўйгани учун биринчи директор ўринбосари Д.Маждов тегишли молиявий жазога тортилди.

10. 1-автотранспорт корхонаси бошлиғи С.Носиров яшил бойлигини бузган даракларни зарарлантиригани сабабли назоратчилар томонидан қатъий оғохлантирилди.

**Мақоаларни Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.**

# Тошкент шаҳар назорат инспекцияси фаолиятдан ХИЗМАТ КўРСАТИШДА ЮКСАК СИФАТ БўЛДИ

Сирғали, Юнусобод, Яққасарой туманларида ҳам йўл қўйилган. Мировод туман ҳокимлиги эса, худудий уюшмани ташкил этишни қарийб 5 ойга кечиктириб юборган. Бундай қамчиликлар туман ҳокимликлари Президент Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан ўз вақтида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқмай, фақат ташкилий масалани ҳал қилиш билан чекланганликлари оқибатида рўй берган. Ижрочилик интизомига риоя этилмагани тўғрисида, туманнинг 75 тасида директив ҳужжатларда қўйилган талабларга риоя этилмади. Чунончи, туманлардаги 20 корхона маъмурий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома-сиз, 8 та корхона қурилиш пул тушумини банкларга топширмай, 45 таси эса мижозларга қитъанча тўлдирмасдан фаолият кўрсатаётгани аниқланди.

Юнусобод туманидаги Ви-

соқовольтний кўчасида соҳиллашган «Люкс» автомобиллари таъмирлаш устaxonаси 1998 йилнинг майдан ҳозиргача ҳеч қандай ҳужжатларни расмийлаштирмай, ноқонуний равишда фаолият юритиб келган. Ушбу корхонадан ўртача 890 миң сўм маҳаллий бюджетга келиб тушмаганлиги ҳамда 1350 миң сўм пул тушуми банкларга топширилмагани тахлиллардан маълум бўлди. Туманлардаги корхоналарнинг аксариятида тушумларни банкларга топширмай, мижозларга қитъанча тўлдирмай хизмат кўрсатиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Шунинг учун ҳам молиявий тартиб-қоидаларга риоя этмаганлиги тўғрисида унинг иккита корхона раҳбарлари маъмурий жа-

воғарликка тортилди, уларга 827 миң сўм миқдорда жарималар солинди. Корхоналарда санитария-гигиена қондаларига риоя этилмагани оқибатида шаҳар ва туман санитария бош варақлари қарорларига асосан 21 маъмурий хизмат қондони иш фаолияти тўхтади ҳамда 84 мансабдор шахсга нисбатан маъмурий чора қўйилган, улардан жами 530 миң сўм миқдорда жарима ундирилган. Юқорида келтирилган қўғиш мисоллар шаҳар аҳолисига маъмурий хизмат кўрсатишда ҳали анчагина муаммолар, тартибсизликлар мавжудлигини кўрсатиб турибди. Уйлашгани, соҳил мутасадди раҳбарлари, пойтахтнинг туман ҳокимликлари улардан тўғри хулоса чиқариб, мавжуд қамчиликларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

**Саид ВАЛИЕВ.**

Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида республика хотин-қизлар кўмитаси, «Экспан», «Олтин мерос» халқаро жамғармалари ҳамкорликда ташкил этган «Энг ибратли келинчақ» 2-Республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловда республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан ғолиб деб топилган 14 нафар энг оқила ва зукко келинчақлар иштирок этдилар. Пойтахтимизнинг Чиланзор тумани «Наврўз» маҳалласида яшовчи, шахар танловининг ғолиби Раъноҳон Каримова ана шу келинчақлар ичидан-да «Барнолар ичра барно» эканлигини кўрсатиб, республикада мутлақ ғолиб бўлди ва юртимизнинг «Энг ибратли келинчақи» деб топилди. Раъноҳон билан ана шундай ҳаяжонли ва қувончли дамларда суҳбатлашдик.

Танлов бизни дўстлаштирди.  
— Ҳаётда чиндан ҳам чеварсизми?  
— Тошкент тўқимачилик ва энгил саноати институти тугатганман. Ҳозирда нафақат пойтахтимизда, балки республикамизда танилган «Машхура» хусусий фирмасида тўғарақ раҳбариман. 5 йилдан буён ёш қизларга бичиш-тикиш

— Раъноҳон, албатта, 14 нафар зебо келинчақлар ичидан мутлақ ғолиб бўлишинг ўзи бўлмайди. Танловдан мамнунсизми?

— Аввало, танловнинг барча шартлари бугунги ҳаётимиздан олинганлиги мени мамнун этди. Президентимиз Ислам Каримов 1999 йили Аёллар йили деб эълон қилганларида нихоятда хурсанд бўлдим. Зеро, аёллари эъзозли юрт гуллаб-яшнайдди. Келинлар танловининг ўтказилиши эса оилаларимизнинг мустақамлигига, фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол ўсишларига, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатга қўшилган катта ҳиссадир.

Айниқса, кўрик-танлов шартларида мужассам бўлган ёш келинчақларнинг миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимизни қадрлаши, экологик маънавияти ва маданияти, тарихимизни билиши, фарзанд тарбияси, оила тотувлигига қўшаётган ҳиссаси барча учун ибратлидир. Мен эса танловда қатнашар эканман, бутун билимим ва маҳоратимни оилавий тажрибамдан келиб чиқиб намоиш этдим. Не бахтки, оилага қўйилган қутлуг қадамим бу ерда ҳам менга омадни берди.

— Қайси келинчақнинг чиқиши Сизда ҳаяжон уйғотди?  
— Ёнимдаги дугоналаримнинг кийиниши, ўзини туттиши, одоби ва гулгун чехраларини кузатар эканман, ҳақиқатан ҳам ўзбек аёлининг гўзаллигига тан бердим. Ҳамма келинчақларнинг чиқишларини ҳаяжонда кузатиб турдим ва уларга ўзимнинг юксак баҳоимни бердим. Тўғриси улардан жуда кўп нарсаларни ҳам ўргандим.

## 1999- Аёллар йили БАРНОЛАР ИЧРА БАРНО РАЪНО...



сирларидан сабоқ берман. Ҳар бир аёлнинг гелвар бўлиши, оиласи ва фарзандлари учун зарур деб биламан. Негаки, аёлнинг кўнгли нозик, қалби тоза, тиккан нарсаларига эса қалбидаги меҳр-муҳаббатни чатиб юборади.  
— Бугунги келинларимиз оила кўргонини асрашга, баркамол фарза-

ндлар етиштиришга қодир бўлишлари учун нима қилишлари керак?  
— Аввало, қизларни ҳаётга, турмушга тайёрлаш керак. Бу ишда она жуда муҳим роль ўйнайди. Шу боис ҳам ўзлари ҳадемай она бўладиган келинчақларимизнинг маънавиятини юксалтиришимиз керак. Ибобли, ҳаёли, ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла-қўйни, умуман Ватанини севадиган, хулқи тоза, билимли, тарихимизни биладиган, миллатимиз урф-одатлари ва қадриятларини улуғловчи, саранжом-саришта аёлни мен маънавиятли деб биламан.

— Оилангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Аввало, келинлардан бошласам. Оилада биз тўрт келимиз, лекин қайнонам Соҳиба ая бошқошигида опа-сингилдек иноқмиз. Умр йўлдошим Маҳаммадзокир ака билан уч фарзанд - Лола, Ҳасан ва Ҳусанларни тарбияламоқдамиз. Турмушда бахтлиман. Аёллар шунинг унутмасликларини лозимки, ҳар кимнинг бахти ўз қўлида. Шоир айтганидек:

Оқила, тadbиркор бўлса гар аёл,  
Кўлдаги игниси ўқ-ёйи мисол...

— Айни кунларда оилаларга қутлуг келинлик қадамини қўяётган ёш келинчақларга тилагингиз...

— Келинлик зийнати уларни асло тарк этмасин, бу ибоб-ҳаё, ҳурмат-иззат, тушган оила аъзоларига муҳаббат дегани. Уларнинг қутлуг қадами оилани қароғон этсин, оилаги бекам бека бўлисин.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.  
СУРАТДА: Раъноҳон Каримова.  
Рашид Галиев олган сурат.

### 1 октябрь — Халқаро қариялар куни

## ШАРАФЛИ БУРЧ



Мана етти йилдирки, Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 1992 йил 11 ноябрда бўлиб ўтган 47-сессияси қарорига асосан 1992 йилдан 2001 йилгача ҳар йили 1 октябрь — Халқаро қариялар куни нишонланади.

Шу муносабат билан қарияларга қўрсатиладиган бекиёқ гaмхўрликлар тўғрисида шахар ижтимоий таъминот бошқармаси бошлигининг ўринбосари Саида Муажжонова бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Бу кун бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан қарияларга нисбатан меҳр ва катта гaмхўрлик намунаси. Бу кун яқинлашиб келар экан, унинг ХХ асрининг сўнгги йилида, иккинчи минг йилликнинг охириги йилида ҳамда XXI аср бўсағасида нишонланиши унга алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбеклар хонадониди айниқса ҳар бир кекса-қария ҳурмат-иззатда. Улар

бор оила — хонадон фариштали, дейди халқимиз. Демак, бу эъзозли нуруний отахон ва онахонларимиз байрами. Шаҳримизда 326 минг нафардан ортиқ пенсионерлар истиқомат қилиб, шу жумладан 100 ва ундан ошқ умр кўрганлар сони 10дан ортиқ. 90дан ошганлар эса 259 нафарни ташкил этади. Уруш қатнашчилари ва ногиронлар эса 10000 нафар, фронт ортида фидокорона меҳнат қилганлар 43200 нафар ва 2500 дан ортиғи яқка-ёлғиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож пенсионер ва ногиронлардир.  
Халқаро қариялар кунини ижтимоий таъминот тизими билан биргаликда «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Қизил Ярим ой жамияти, жамоат ва хайрия ташкилотлари билан биргаликда нишонлаш тadbирлари белгиланган.  
Ўз уйидан чиқолмай, ётиб қолган ёлғиз қария ва ногиронларни уйларига бориб, байрам билан табриклаб, совғалар тақдим этилади. Ҳаракат таянч воситалари, эшитиш аппаратлари, протез-ортопедия буюмлари билан муҳтожларни имкони борича таъминлаш режалаштирилган.  
Республикамиз Президенти томонидан 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилинган, унга кўра Аёллар манфаатларини таъминлаш дастурининг амалга ошириладиган тadbирлари Республикада истиқомат қилувчи аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига, шу жумладан нуруний ва қария-

ларга кўрсатилиши зарур бўлган ижтимоий ёрдам масалалари ҳам ўз аксини тошган.

Масалан, Тошкент шаҳрида яшовчи пенсионер ва ногиронлардан 2387 (шулардан 1285 нафар аёллар) нафари «Нурунийлар» оромгоҳи дам олиш масканида ўз саломатликларини тикладилар. 1254 нафар яқка-ёлғиз ва ногиронларга уйга етказиб берилган Президент Фармони асосидаги 9 тур меъёрий озик-овқат маҳсулотларига давлат томонидан 11.976000 сўм маблағ ажратилган, 99 ногирон қарияларга аравача, 755 тадан эшитиш мосламаси, 970 тадан кўлтиктаёқ ва ҳассалар, шунингдек, 7338 кам таъминланган аёлларга манзилли ёрдам кўрсатилмоқда.

Хулоса қилиб шунини айтиш лозимки, ёши улуг қарияларга, жангларда тобланган отахонлар, фронт орти ва тинч қурилиш даврларида ўз фидокорона меҳнатларини аямаган фахрийларимизга хизмат қилиш ижтимоий таъминот ҳодимларининг шарафли бурчларидир.

Гулором ИСЛОМОВА  
Ўзиб олди.

**ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!**  
Газетанинг навбатдаги сони 4 октябрда чиқади.

**ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!**  
**«ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ»**  
1999 йил 4—7 октябрь кунлари  
**БОШПОЧТАМТ БИНОСИДА**  
**«ОБУНА-2000»**  
**РУКНИ ОСТИДА МИЖОЗЛАР**  
**КУНИНИ ЎТКАЗАДИ**  
СИЗНИНГ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҚУЙИДАГИЛАР ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ:  
— МДХ мамлакатлари ва Ўзбекистон Республикаси нашрларига 12 ойлик обунага почта хизматлари 20 фоизга имтиёз берилади.  
— 3 ёки ундан ортиқ нашрларга 6 ойдан ортиқ муддатга обуна бўлганларга совғалар берилади.  
— Хатжилд (открытка), марка, конвертлар ва тасвирли маркалар.  
— Замонавий ёзувчилар ва классикларнинг асарлар тўплами  
**ЖУДА АРЗОН НАРХДА СОТИЛАДИ.**  
— Халқ истеъмоли моллари.  
Ушбу кунларда Сиз почтада шахар буйича энг арзон нархлар ва тарифлар эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси шахсий пенсионер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими  
**Атхам Исакович ИСАКОВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент кимё-технология институти ректорати, касаба уюшмаси, институт қошидаги лицей жамоаси лицейнинг олий тоифали ўқитувчиси А.Маъмуровга оналари  
**САЛТАНАТХОН** аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қиладилар.

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**  
Манзилимиз:  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39.  
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 209  
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
Қўғоз бичими А-2

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



### АЗИЗ МУРАББИЙЛАР ВА УСТОЗЛАР!

Сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг жамият раванқидаги, маънавий-маърифий юксалишимиздаги, ёш авлод тарбияси ва тақдиридаги тутган ўрни беқиёсдир. Чин маънодаги фидойиликни талаб этадиган шундай муҳим ва шарафли вазифаларни адо этишингизда Сизларга улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!

Ўзбекистон  
Фидокорлар Миллий демократик партияси.

## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! МУҲТАРАМ ДУСТАВРА!

Тошкент шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармасининг «Аёл баҳи» лаҳзали пул - буюм хайрия лотереяларини сотиб олинг!  
**УШБУ ЛОТЕРЕЯДА 1.584.020 ТА ЮТУҚЛАР БОР,  
ЖУМЛАДАН, ҚУЙИДАГИ КАТТА ЮТУҚЛАР:**

- 5 та "Нексия" автомобили,
- 5 та "Дамас" автомобили,
- 10 та "Тико" автомобили,
- 292 та 5000 сўмлик,
- 500 та 2500 сўмлик,
- 2300 та 1000 сўмлик ва ҳоказо.



Бу лотереяни Сиз 100 сўмга сотиб олиб  
**НЕКСИЯ, ТИКО, ДАМАС**  
автомашиналарини ютишингиз ёки катта пул ютуғи эгаси бўлишингиз мумкин.

Лотереялар газета дўконларида ва банкларда, савдо ташкилотларида ва алоқа бўлими шохобчаларида ҳамда жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилмоқда.  
**5000 сўмгача чиққан ютуқлар лотерея сотиб олинган жойнинг ўзидаёқ тўланади. Автомобиль ютуқлари эса Тошкент шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармаси томонидан лотереялар экспертизадан ўтказилгандан сўнг берилади.**

«АЁЛ БАХТИ» ЛОТЕРЕЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШТА ШОШИЛИНГ!  
**СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**  
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес буйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, туғилар, юбилейлар муносабати билан қўтаюварини, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.  
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.  
Маълумотлар учун телефон:  
133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.  
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-уй 2-КАВАТ, 204-ХОНА.